

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОНДА ДУАЛ ТАЪЛИМ

бўйича қўлланма

Тошкент -2025й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР
ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОНДА ДУАЛ ТАЪЛИМ
бўйича қўлланма

❖ ўқувчиларнинг касбий билимларини ошириш мақсадида иш берувчи ташкилотларда замонавий жиҳоз ва ускуналар билан таништириш учун касбий экскурсияларни ташкил этиш;

❖ худудларнинг шароитларидан, иш берувчиларнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда касбий таълим ташкилотлари томонидан таълим дастурларини мустақил ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни жорий этиш;

❖ касбий таълим ташкилотлари ва иш берувчи корхоналар интеграциясини йўлга қўйиш таълим ташкилотлари ва иш берувчи корхоналарнинг ўзаро сифат ҳамда миқдорий натижаларига эришиш.

Касбий таълимда дуал таълимни жорий этилиши ва ишлаб чиқариш интеграциялашувидаги ечимлар

✓ ўқувчилар таълим олиш даврида тажриба ва кўникмаларга эга бўлади;
✓ касбий таълим ташкилотлари кадрлар тайёрлашнинг мақсадли тизими жорий этилади;

✓ касбий таълимнинг ривожланиши бўйича давлат ва хусусий сектордаги корхоналар томонидан эътибор кучаяди;

✓ касбий таълим ташкилотларининг иқтисодий ривожлантиришдаги иштироки кенгаяди;

✓ касбий таълим ташкилотлари моддий-техника базаси ривожланади;

✓ касбий таълим ташкилотлари ўқувчиларининг қўшимча маблағлар ишлаб топиш имконияти ошади;

✓ касбий таълим ташкилотлари битирувчиларининг меҳнат бозорида иш топиш жараёнлари осонлашади.



Ўзи танлаган касб (мутахассислик) бўйича ишлаб чиқариш муҳитини ўрганеди;



Кейинги таълим фаолияти учун малакага эга бўлади ва диплом (ёки сертификат) олади.

Дуал таълимда кутилаётган натижалар



✔ Дуал таълим давомида ўқувчилар назарий таълим билан бирга иш жойларида касбий кўникмаларини ривожлантирадilar;

✔ Дуал таълим ўқувчилари иш берувчилар томонидан меҳнатига муносиб моддий (иш ҳақи билан) таъминланадилар;

✔ Иш берувчи ташкилот томонидан дуал таълим давомида энг яхши мутахассисларни танлаб олишлари ва ишга қабул қилишлари мумкин бўлади;

✔ Таълим жараёнида иш берувчиларнинг иштироки кенгайди ва улар тайёрланаётган мутахассисларнинг касбий кўникмаларини ривожлантиришда бевосита ҳисса қўшадилар;

✔ Германия давлати билан ҳамкорликдаги грант лойиҳалари асосида дуал таълимни ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқий асослари яратилади ва илғор тажрибаларга мувофиқ методик таъминоти амалиётга жорий этилади.

✔ Германия давлати билан ҳамкорликдаги грант лойиҳалари асосида дуал таълимни ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқий асослари яратилади ва илғор тажрибаларга мувофиқ методик таъминоти амалиётга жорий этилади.

Касбий таълим ташкилот ва иш берувчи корхоналарнинг ўзаро ҳамкорлиги бўйича тавсиялар.



❖ маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хусусий бизнес сектори ва касбий таълим ташкилотлари билан ижтимоий шериклик механизмини шакллантириш;

❖ ишлаб чиқилган таълим дастурларини амалиётга жорий қилишдан олдин ҳудуддаги маҳаллий иш берувчи мутахассислар томонидан тақриздан ўтказиш;

❖ касбий таълим ташкилотлари ва иш берувчи ташкилотлар билан ҳамкорликда касб маҳорати кўрик танловларини ташкил этиш. Ўриношлик асосида тажрибали ходимлар алмашувини йўлга қўйиш;

Дуал таълимнинг умумий қоидалари

Иқтисодий ривожланишида ўрта бўғин кадрларининг ўрни алоҳида ҳисобланади. Ишлаб чиқариш, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ишчи касб ва мутахассисликларга бўлган эҳтиёж жуда юқори кўрсаткичларни ташкил этади.

Анъанавий таълим шаклида ўқувчилар касбий таълим ташкилотида назарий билимларни кўпроқ эгаллаб, амалиёт қисмини корхона ва ташкилотларда ўтайди.

“Дуал” сўзи латин тилидан олинган бўлиб, бирор нарсанинг икки қисмга тааллуқлилиги, иккита нарсани ифодаловчи, икки қисмдан иборат, деган маъноларни билдиради.

Дуал таълим – ўқувчига таълимни ўз йўналишига мос ташкилотда меҳнат қилиш билан бирга олиб бориш имкониятини берувчи тизимдир. Бунда ўқувчилар 2-3 кун таълим муассасасида назарий билимларни ва 3-4 кун ташкилотларда ҳақиқий иш жараёнларида амалий кўникмаларни эгаллайди.


Дуал таълим – таълим олувчилар томонидан зарур билим, малака ва кўникмаларни олишга қаратилган бўлиб, уларнинг назарий қисми касбий таълим ташкилоти негизида, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган амалий қисми таълим олувчининг иш жойида амалга оширилади. Дуал таълим ўқувчига таълимни ўз йўналишига мос ташкилотда меҳнат қилиш билан бирга олиб бориш имкониятини берувчи тизимдир.



Дуал таълимнинг жорий этиш масаласи меҳнат бозоридаги кадрлар тақчиллигини бартараф қилиш ва янги технологиялардан фойдалана оладиган малакали ёш кадрларни етказиб беришга хизмат қилади.

Таълимнинг назарий қисми


30 %



Касбий таълим ташкилотида

Таълимнинг амалий қисми

70 %



Иш берувчи ташкилотда

Дуал таълим норматив-ҳуқуқий асослари

Дуал таълимни тартибга солувчи ҳуқуқий асослари мавжуд бўлиб, бунда Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисидаги Қонунда дуал таълим шакли иккита моддага киритилган. Яъни:

Таълим олиш шакллари қуйидагилардан иборат (15-модда):

ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олиш (кундузги);

ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олиш (сиртки, кечки, масофавий);

дуал таълим:

оилада таълим олиш ва мустақил таълим олиш;

катта ёшдагиларни ўқитиш ва уларга таълим бериш;

инклюзив таълим;

экстернат тартибидаги таълим;

мудофаа, хавфсизлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти соҳасида кадрлар тайёрлаш.

Дуал таълим: (17-модда)

Дуал таълим таълим олувчилар томонидан зарур билим, малака ва кўникмаларни олишга қаратилган бўлиб, уларнинг назарий қисми таълим ташкилоти негизда, амалий қисми эса таълим олувчининг иш жойида амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг “Профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида” 2021 йил 29 мартдаги 163-сон қарори билан дуал таълимда кадрлар тайёрлаш тартибга солинади.

Дуал таълимда ўқув жараёни қуйидагича:



Мамлакатда ёшлар ва аёлларнинг ишсизлик даражасини камайтиради;



Дуал таълимни тартибга солишда хусусий сектор билан кенг камровли ҳамкорликни мустаҳкамлайди;



Меҳнат бозоридаги тенденциялар тўғрисида олдиндан прогнозларни олади.



Дуал таълимда ИШ БЕРУВЧИнинг манфаатлари



Дуал таълим даврида ўқувчиларни кузатиш ва улардан энг яхшиларини саралаб олиш орқали корxonани малакали мутахассислар билан таъминлаш имконияти яратилади;



Бўш иш ўринлари билан боғлиқ хатарларни камайтириш орқали ходимлар кўнимсизлигини олди олинади;



Таълимга киритилган капитал натижасида қисқа муддатли истикболда катта даромадга эришилади;



Касбий стандарт ва таълим дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этади;
Ходимларни ўқитиш, қидириб топиш, ишга ёллаш ва адаптация (мослашиш) жараёни харажатларини камайтириш имконияти яратилади;

Иш берувчини манфатлари учун қисқа вақт ичида малакали мутахассисларни тайёрлашга имкон берадиган муҳитни яратади.



Дуал таълимда ЎҚУВЧИнинг манфаатлари



Иш ва меҳнат фаолияти учун касбий маҳорат ҳамда кўникмаларга эга бўлади;



Касбий тайёргарлик ўқиш даврида иш ҳақи олади;



Ишлаб чиқаришда ҳақиқий иш шароити (иш ўрни) да касб ўрганади (машиналар, қурилмалар, иш жараёнлари ва бошқалар);

шакли бўйича тегишли таълим дастурларидан кам бўлишига (кўп бўлиши мумкин) йўл қўйилмайди;

✓ иш берувчи ташкилотнинг малакали мутахассислари касбий таълим ташкилотига назарий ва амалий машғулотларни ўтказишга жалб этилиши мумкин;

✓ ўқувчилар таълим жараёнининг назарий, ўқув ва амалий қисмидаги иштироки касбий таълим ташкилоти гуруҳ ўқув машғулоти журналига қайд қилинади;

✓ корхонада ўтиладиган ишлаб чиқариш билан боғлиқ амалий қисмидаги иштироки ташкилотдаги ўқувчилар кундалигига қайд этиб борилади;

✓ корхона ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш билан боғлиқ амалий қисмидаги иштироки юзасидан қўшимча қайд этиш ҳужжатларини юритиши мумкин;

✓ касбий таълим ташкилоти томонидан ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталари фаолияти назорат қилинади;

✓ иш берувчи ташкилот томонидан бириктирилган “Устоз”нинг фаолияти ташкилот мутасаддилари томонидан назорат қилинади.

Дуал таълимни ташкил этишда томонлар манфаатлари ва қўтилаётган натижалар

Иқтисодиётнинг барча соҳаларида малакали ва замонавий касбий кўникмаларга эга ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш ҳамда ёшларнинг касблар ва мутахассисликларни эгаллашга бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлаш учун кенг имкониятлар яратишдан иборат. Айтиб ўтилганидек, ёшлар таълим олиш билан бирга ҳақиқий иш жойида ўз касбий кўникмаларини ривожлантирадилар. Бунда, дуал таълим иштирокчиси ҳисобланган томонлар манфаатлари асосий роль ўйнайди.



Дуал таълимда ДАВЛАТнинг манфаатлари



Дуал таълимнинг иқтисодиёт ва жамиятга ижобий таъсири туфайли бир қатор афзалликларга эга бўлади.



Хусусий сектордаги малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжни ёпади;




Юқори даражада модернизация қилинадиган касбий таълим ташкилотига эга бўлади;

Дуал таълим тизими жорий этилган касбий таълим ташкилотлари

Мамлақатимизда касбий таълим тизимида олиб борилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаш, турли ёшдаги таълим олувчиларда меҳнат бозорига йўналтирилган билим, кўникма ва компетенцияларни шакллантириш орқали уларни иқтисодиёт тармоқларида муносиб иш ўринларини топиш имкониятларини кенгайтириш бугунги куннинг долзарб вазифалари сифатида касбий таълим соҳасидаги туб ислохотлар натижасида 2020-2021 ўқув йилидан янги форматдаги касбий таълим муассасаларида ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш жараёнлари бошланди. 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб амалиётга йўналтирилган таълим дастурларини жорий этиш мақсадида касбий таълим муассасаларида дуал таълим жорий этила бошланди.

2024 йил ҳолатига

Худудлар кесмида касбий таълим ташкилотлари (418 та)



Жами: 418 та

ДУАЛ ТАЪЛИМ ШАРТНОМАСИ



Дуал таълимни жорий этиш бўйича ташкилот ва касбий таълим ташкилоти ўртасида, ўқувчи ва иш берувчи ташкилот ўртасида расмийлаштириладиган шартномалар икки хил бўлади.

1. Корхона ва касбий таълим ташкилоти ўртасида дуал таълим ташкил этиш бўйича шартнома (1 дона).

2. Корхона ва ўқувчи ўртасида дуал таълимда ўқиш бўйича шартнома (хар бир ўқувчи учун алоҳида) тузилади.

Бунда, ўқувчилар билан тузилган шартномалар:

Вактинчалик меҳнат шартнома бўлади (ўқиш тугаши билан ўз кучини йўқотади).

Шартнома асосида ўқувчига иш ҳақи тўланади (соатбай ёки ишбай кўринишда).



Дуал таълим шаклида эътибор беришимиз керак бўлган муҳим жиҳатлар

✓ касбий таълим ташкилотларига йил давомида ўқувчиларни ўқишга қабул қилиш муддатлари Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан белгиланади;

✓ хар ўқув йилида бир маротаба янги ўқув йили учун шакллантириладиган қабул параметрларида дуал таълим шакли учун давлат гранти ўринлари ажратилади;

✓ қолган давр мобайнида (йил давомида) белгиланадиган қабул параметрларида ўқувчилар тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинади;

✓ дуал таълим шакли бўйича иш берувчиларнинг ўрта бўғин кадрларига бўлган мавжуд эҳтиёжи асосида тақдим қилинган талабгорлар тўғридан-тўғри ўқишга қабул қилинади;


✓ кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклида таълим олаётган ўқувчиларнинг дуал таълимга ўқишини кўчириш таъқиқланади;

✓ касбий таълим ташкилоти ва иш берувчи ташкилот ўртасида тузилган шартнома бекор қилинганда ўқувчи(лар) ўқиши мос таълим даражасидаги кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклига ўтказилади;

✓ корхонага бир ёки бир нечта касбий таълим ташкилоти билан ва касбий таълим ташкилотига ҳам бир ёки бир нечта иш берувчи ташкилот билан шартномалар расмийлаштиришига рухсат берилади;

✓ ўқув жараёни графигига мувофиқ касб ёки мутахассислик бўйича ўқитиш муддати белгиланади. Ўқитишнинг давомийлиги кундузги таълим

Худудлар кесимида ўқувчилар сони



Ўқувчиларга иш берувчи ташкилотларнинг 7 789 нафар мутахассис ходимлари “Устоз” сифатида бириктирилди.

Бугунги кунда меҳнат бозорида энг кўп таълим, муҳандислик иши, ишлаб чиқариш ва ишлов бериш, хизмат кўрсатиш, архитектура ва қурилиш ҳамда бизнес ва бошқарув соҳалари бўйича дуал таълим шаклида ўқув жараёнлари ташкил этилган.



Касбий таълим ташкилоти ҳамкор иш берувчи ташкилот мутахассислари билан биргаликда ўқитилиши режа қилинган касб ёки мутахассисликнинг дуал таълим дастури ишлаб чиқилади ҳамда тасдиқланади.



Касбий таълим ташкилоти ва иш берувчи корхоналар томонидан ишчи ўқув режа ва ўқув жараёни графиги ишлаб чиқилади ҳамда тасдиқланади.



Касбий таълим ташкилоти ва иш берувчи корхона/ташкилот билан биргаликда дуал таълим шаклига ўқувчиларни ўқишга қабул қилади ва иш берувчи меҳнат шартнома имзолайди (дуал таълимда ўқувчиларни иш берувчи суҳбат асосида ўқишга қабул қилади).



Ўқувчи(лар) иш берувчи корхона томонидан берилган шартномани касбий таълим ташкилотига тақдим этади. Касбий таълим ташкилоти ўқувчини платформага киритади.



Касбий таълим ташкилоти директори томонидан ўқувчи(лар)ни ўқишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқаради.



Дуал таълимда ўқитилаётган касб ёки мутахассисликнинг ўқув режасини ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган амалий қисми учун ташкилотнинг тегишли буйруғи асосида ўқувчи(лар)га дуал таълим бўйича ташкилотнинг тажрибали ходимларидан устоз сифатида (дуал таълимда касб ёки мутахассислик мураккаблик даражасидан келиб чиққан ҳолда, 12 – 15 нафар ўқувчига қандайдир кўра ташкилот томонидан камида 1 нафар устоз) бириктирилади.



Касбни ишчи ўқув режа ва ўқув жараён графиги асосида 2-3 кун касбий таълим ташкилотида назарий машғулотлар, 3-4 кун амалий қисми иш берувчи корхонада иштирок этади.



Ўқувчи(лар)га дуал таълим жараёнида ташкилотдаги меҳнат фаолияти учун ташкилот томонидан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ иш ҳақи тўланади.




Ўқиш якунида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини 2024 йил 13 декабрдаги 836-сон қарори асосида якуний давлат имтиҳонлари ташкил этилади.



Якуний давлат аттестацияси комиссиясининг ҳулосасига кўра курсни тугатганлик тўғрисидаги диплом ёки сертификат берилади ва касбий карьера бошланади.

Дуал таълимда иштирок этаётган корхоналар ҳудудлар кесимида

Республика миқёсида касбий таълим ташкилотлари билан шартнома асосида 7 677 та корхона/ташкилотлар дуал таълимда иштирок этади.



Жами: 7 677 та

Дуал таълимда томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Дуал таълим шаклини ташкил этишда касбий таълим ташкилоти, иш берувчи корхона (ташкилот)лар ва ўқувчиларнинг вазифа мажбуриятлари мавжуд.



- ❖ касбий таълим ташкилоти билан биргаликда ўқувчиларни ўқишга қабул қилиш бошланишидан камида бир ой олдин ҳамкорлик шартномаси расмийлаштиради;

- ❖ дуал таълим бўйича ўқитиш муддати, ишчи ўқув режа ва ўқув жараён графигини касбий таълим ташкилоти билан биргаликда ишлаб чиқади ҳамда тасдиқлайди;

- ❖ дуал таълимда ўқитиш муддати, ўқувчиларни ўқишга қабул қилишни касбий таълим ташкилоти билан биргаликда ташкил этади ва ўқувчилар билан шартнома тузади;

- ❖ ўқувчилар сонидан келиб чиқиб, дуал таълим дастурининг ишлаб чиқариш билан боғлиқ амалий қисмини ўргатиш учун ташкилотнинг тегишли бўйруғи асосида юқори малакали мутахассис “Устоз” бириктиради;

- ❖ ўқувчини ўзлаштирган касб ёки мутахассислик бўйича натижаларини баҳолаш жараёни ва якуний давлат аттестациясида қатнашади.



- ❖ дуал таълимни ташкил этиш бўйича шартномалар тузади;

- ❖ иқтисодий тармоқлари ва хизмат кўрсатиш соҳасида кадрларга бўлган реал эҳтиёж асосида дуал таълимда ўқитишни ташкил этиш бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боради;


- ❖ корхона таклифи асосида таълим дастурини такомиллаштиради;

- ❖ дуал таълимда ўқитишни назарий қисмини ташкил қилади;

- ❖ дуал таълимни ташкил этиш, ўқувчиларни ташкилотга юбориш, ўқувчиларнинг ҳар бир гуруҳига ишлаб чиқариш таълими устаси ёки ўқитувчини буйруқ асосида бириктиради;

- ❖ ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари фаолиятини назорат қилади;

- ❖ корхонадан бириктирилган “устоз”ларга методик ёрдам кўрсатади;
- ❖ таълим сифати бўйича корхона билан доимий ҳамкорлик қилади.



- ❖ иш берувчи корхона билан шартнома тузади;

- ❖ иш берувчи ташкилот ва касбий таълим ташкилотида белгиланган тартиб ҳамда қоидаларга риоя қилади;

- ❖ корхонанинг уставига мувофиқ иш жараёнларида қатнашади;

- ❖ ўқув машғулотларига назарий, амалий, ўқув ва ишлаб чиқаришни амалий қисми бўйича қатнашади;

- ❖ ўқув, техника жиҳозлари ва воситаларидан, фан кабинетлари ахборот-кутубхонаси фондидан, ахборот-кутубхона ўқув зали ва бошқа ўқув, ёрдамчи хоналардан, спорт мажмуалари, касбий таълим ташкилотига қарашли тиббий ва техник жиҳозлардан бепул фойдаланади;

- ❖ корхона амалиёт базаларидан ҳамда моддий-техник базасидан фойдаланади;

- ❖ корхонадаги меҳнат ва жамоат ишларида қатнашади;

- ❖ дуал таълимда ўқиш вақтида корхонадан шартномага мувофиқ иш ҳақи олади;

- ❖ ўқувчи кундалигини ўз вақтида юритиб боради ва ҳисоботлар топширади;

- ❖ якуний давлат аттестациясини топширади.

Дуал таълимда ўқув жараёнини ташкил этиш



Касбий таълим ташкилоти томонидан ҳокимликлар, манфаатдор вазирлик ва идоралар кадрларига бўлган эҳтиёж ўрганилади ҳамда белгиланган тартибда қабул режаси шакллантирилади. Қабул параметрлари бўйича таклифлар белгиланган тартибда Қорақалпоғистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар олий таълим, фан ва инновациялар бошқармалари томонидан Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига киритилади. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан касбий таълим ташкилотлари учун қабул параметрлари тасдиқланади.



Касбий таълим ташкилоти ўқиш бошланишидан камида 1 ой олдин ҳамкор иш берувчи корхона билан шартнома тузади.